

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 26 (66001)
1997 йил, 2 апрель, чоршанба

Сотувда эркин
нархда



НОЗИМАХОН

Энг катта балли 100. Агар бутилсиз нарса 120 ли бўлганда Нозимахон, албатта, бу очкони ҳам тўплаган бўларди.

Тошкентда утган «Олимпиада — 97» танловида барча вилоятлардан келган иқтидорли болалар турли фанлардан узаро беллашдилар. Улар 250 нафарга яқин бўлсалар-да, аммо голиблик санокли ўқувчиларга насиб этди. Шулардан бири — Нозимахонга.

Нозимахон Омонованинг бундай муваффақиятга эришишида устози, Халқ маорифи аълочиси Саид ака Раҳмоновнинг ҳиссаси беқиёсдир. Саид аканинг шогирдлари 1974 йилдан бери туман, вилоят, республика олимпиа-

даларида иштирок этиб, фақат юқори уринларни қулга киритган. Бу йилгиси эса рекорд натижа берди.

Беллашувда наманганлик ўқувчилар ҳам буш келмадилар. Энди улар — «Олимпиада — 97» танлови голиблари



«Олимпиада—97»

олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинадилар.

Феруза ОДИЛОВА.

Суратларда: Нозимахон Омонова.

Наманганлик ўқувчилар ўз устозлари Абдурашид ака Муннавбаров билан.

Сураткаш: Р. Альбеков.

— Олимпиада тарихида бундай воқеа бўлган эмас, — деб сўз бошлади Халқ таълими вазири Жўра Ганиевич Йўлдошев, Республика «Олимпиада — 97» танловида. — Бухоронинг Гиждувон туманидаги 3-иқтидорли ўқувчилар мактаби 11-синф ўқувчиси Нозимахон ҳаммани ҳайратда қолдирди. Сабаби: у француз тили бўйича компьютерда 100 балл тўплай олди.

Яхшиямки, компьютернинг

— Голиб ака, сизнинг мазкур хўжаликка раис этиб тайинланганингизга бор-йўғи икки ой бўлибди. Айтинг-чи, ишни нимадан бошладингиз?

— Хўжалигимизда 15 та қишлоқ бор. 13 мингдан зиёд-роқ аҳоли яшайди. Фарзандларимиз 5 та урта мактабда таҳсил олишади. Узингиз биласиз, болалар бизнинг давомчиларимиз. Биз ҳаммамиз ҳам уларни яхши кўрамыз. Лекин, бу билан иш битармиди. Ахир, яхши куриш ҳам қандайдир узига хос булиши керак-да!

Мен ҳам бошқа одамларга ухшаб болаларнинг келажак-и, юриш-туриши ҳақида қайгураман. Янгича имкониятлар излайман. Шундай булгандан кейин, раҳбар сифатида энг биринчи навбатда бошқаларнинг болалари турисида ҳам уйлашим керак-ку!

Хуллас, уз ишимни қишлоқ оқсоқоллари, мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашишдан бошладим. Хато қилмаган эканман. Негаки, бу суҳбатлар мактабда анчагина муаммолар тўпланиб қолганини курсатди. Энг асосийси, машгулотларга болаларнинг қизиқиши сусайиб қолганлиги эди.

Мундоқ уйлаб қурилса, ўқувчиларимиз ҳақ. Чунки

илгари хўжалигимизда сурункали равишда пахта топириш режаси бажарилмай келган. Узингизга маълум, пахта мавсумида ҳатто ўқувчилар ҳам далага жалб этиларди. Режа бажарилмаслиги оқибатида эса, иш ҳақлари вақтида берилмаган. Бу ҳолда ота-она юрагига мактабнинг муаммолари ортиқчалик қилмайдими?

Оиладаги турли етишмовчиликлар боланинг руҳиятига ҳам, шубҳасиз, салбий таъсир қилади-да! Оқибатда у мактабдан, баъзи ҳолларда ои-

Болаларга қайгурмоқ — келажакка қайгурмоқ

— Биринчи навбатда, мактабнинг, ўқитувчининг нуфузини кутариш керак. Бу ишни амалга оширмай туриб, маънавият хусусида гап очиб бўлмайди. Назаримда, мактабларда «Мустақиллик дарслари» қаторида «Миллат фидойилари» деган махсус машгулотлар ташкил этиш зарур. Ешлар уз қишлоғи, ёки туманида яшаб утган улуг кишилар ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга булса, бунинг нима-

ган мана шу муҳташам бинони гимназияга айлантиряпмиз. Чунки бу бино, куриб турганингиздек, ниҳоятда катта, нақшинкор, залининг узи ҳам минг кишига мулжаллаб қурилган. Ахир, шу гимназияда ўқиган болаларимиз келгусида етук инсонларга айланса ҳаммамизнинг ютугимиз-ку! Хўжаликни эса, аслида битта дала шийпонидан туриб бошқарса ҳам бўлаверади.

Бундан ташқари, кутубхоналар ишини жонлантиришимиз лозим. Болаларнинг «Тонг юлдузи»га обуна булишлари туғрисида қайгуриб, 500 нафар ўқувчининг газетасига ёзилишини таъминлаймиз.

Умуман айтганда, ҳозирги ешларни жуда бахтиёр дейиш мумкин. Негаки, ўқиш, изла-ниш, урганиш ҳатто эмин-эркин уйнашлари учун ҳам турли имкониятлар етарли. Қанийди, бизнинг ҳам ешлигимиз қайтиб келса-ю, уларга қушилиб уйнасак, уқисак, ҳаммасини қайтадан бошласак... Шунинг учун болажонларга айтадиган гапим шуки, ўқинглар, урганинглар, интилинглар! Биз — ота-оналар ҳаммиша сизларга кифтимизни тутиб тураверамиз!

Хулкар ҲАМРОЕВА
суҳбатлашди.

БОЛАГА АЙЛАНИБ ҚОЛСАЙДИМ...

Каттақурғон туманидаги Орзи Маҳмудов номли жамоа хўжалиги раиси Голиб ОМОНОВ билан суҳбат.

ладан ҳам совий бошлайди. Қисқаси, нима булгандаям, оиласи тинч, дастурхони тукин рузгорнинг фарзандигина кунгли хотиржам бўлиб дарс тинглаши мумкин. Болаларимизга бундай шароитларни яратиб беришга эса биз раҳбарлар масъулмиз.

— Маълумки, ҳозирги кунда маънавият ҳақида кўп гапирилапти. Буни хўжалик миқёсида асосий масалага айлантириш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

си емон?.. Шу мақсадда биз хўжалигимиздаги 17-мактабда жойлашган, ажойиб, фахр этса арзигулик ҳамюртимиз Орзи Маҳмудов музейини кенгайтиришга киришдик. Бу йил барча мактабларга компьютер, замонавий ўқув асбоблари олиб беришни ниёт қилганмиз. Шунингдек, мактаб бинолари таъмирини ҳам зиммамизга олганмиз. Бундан ташқари, бошлаётган энг катта ишларимиздан яна бири — хўжалик идораси жойлаш-



ЭКОСАН — НАВОИДА

Азиз болажонлар, Сизлар ЭКОСАН Халқаро жамгармаси ҳақида эшитгансиз, ўқигансиз албатта. Кунин кеча мазкур жамгарма ташаббуси билан Тошкентдаги бир қатор тажрибали шифокорлардан иборат булган «Саломатлик» поезди Навоий вилоятига жўнаб кетди. Ундаги дори-дармонлар, болалар озик-овқатлари, кийим-кечаклар, пойафзаллар, санитария-гигиена буюмлари вилоятдаги шаҳар ва қишлоқларга тарқатилди.

МЮНХАУЗЕН, БУ — МЮНХАУЗЕН-ДА!

Барон Мюнхаузен саргузаштларини билмаган, эшитмаган, кўрмаган болакайлар орангизда деярли булмаса керак. Бундан 200 йил аввал Германиянинг Боденвердер шаҳарчасида «елгончилар елгончиси» сифатида бутун дунёга танилган немис золагони Карл Фридрих Иероним фон Мюнхаузен ҳаётдан куз юмганди. Унинг бошидан кечирган воқеалар ҳаёт ва фанда мавжуд қонулардан узок, ҳатто китобхон бундай одамнинг булган, булмаганига шубҳа билан қараган булса-да, лекин аслида шундай инсон яшаган экан.

ТИББИЁТ УЧУН ХИТОЙ ЮАНИ

Мамлакатимизга хорижий давлатларнинг табобат соҳасидаги бегараз ердами туфайли 2-Тошкент тиббиёт институтининг биринчи клиникасига турли хил танхис куйиш ва даволашда ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Бир миллион хитой юани миқдоридagi Хитой Халқ Республикасининг бундай ердами клиниканинг педиатрия, маслаҳатхона поликлиникаси, болалар реанимацияси ҳамда янги тутилган чақалоқларни парвартириш бўлимларига берилди.

МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИДА

«Қушиқ байрами»га катта тайергарлик қуриляпти. Унинг дастлабки босқичи буйича чиқишлар уюштириляпти. Жумладан, шундай танлов Нурота туманидаги 16-мактабда булиб утди. Унда ўқувчилар, болалар богчаларининг тарбияланувчилари иштирок этишди.

Мен тарих фанини яхши кураман. Она юртимиз Узбекистоннинг утмини, босиб утган йули ҳақида куп нарсаларни билгим келади. Тарих фанига булган қизиқишимда, айниқса, бошлангич синф уқитувчимиз Рузихон Бекмирзаванинг хизматлари катта.

Шу кунларда халқ озодлиги йулида мардонавор кураш олиб борган Дукчи Эшон (Муҳаммад Али Эшон) тарихини чуқур урганишга киришганман. Биз қон тукиб, жон бериб Ватанимиз озодлиги учун курашганлар руҳини ёд этмай туриб, узимизни ватанпарвар дейишга ҳаққимиз йуқ. Айниқса, хотира кунда уларни эслаш эзгу бурчимиздир. Қолаверса, Дукчи Эшон — ватандошимиз.

Мен Муҳаммад Али Дукчи

Эшон ҳақида билганларимни суйлагим, билмаганларимни сурагим келади. Билганларим ушбу: Муҳаммад Али Эшон Марғилон шаҳри яқинидаги Шаҳидон қишлоғида урта ҳол деҳқон ва хунарманд Муҳаммад Собир оиласида дунёга келган. Отаси

ни йиғишга киришади. Бу манбалардан шогирдлари ҳам баҳраманд булишларини истаб, уларни кутубхона ҳолига келтиришни мақсад қилади. У маърифатнинг кучига ишонгани учун унинг қадрига етгучи инсон булган. У жуда куп мам-

эса битта, у ҳам булса — қузғолон эди. Ва ниҳоят, уша кун ҳам келди. Куролсиз, ожиз оломон тиш-тирноғи билан қуролланган душманга бас келолмади. Енгилди. Ёвуз рус босқинчилари қузғолонни бошқарган олти кишини, жумладан Дукчи Эшонни ҳам Андижоннинг Янги шаҳаридаги Тупроққурғонда дорга осди. Қонхур губернатор Чайковский «буларни-ку улдирамиз, уларнинг ортидан етишиб келаётган ёш болалар ҳам улгайиб, шу йулни танласа нима қиламиз?» — деб икки мингга яқин мактаб болаларини қатл майдонида томошабин сифатида ҳайдаб келдилар. Уша болаларнинг купчилиги бу даҳшатли манзарани куриб қурқувдан жон берди...

Биз у кунларни асло унут-

Тарихимизни ўрганамиз

маслигимиз керак. Адолатсизлик ҳамиша енгилишга маҳкум, ҳақиқат ҳамиша тантана қилгусидир. Дукчи Эшон дорга тортилдилар, бироқ, у сунги лаҳзада юртнинг ёруғ кунларини куриш қолганларга насиб этажагини башорат қилиб дуо қилган эди. Бугунги тараққиёт, бугунги дориломон замон, бугунги истиқлол уша пок дуоларнинг ижобати булса, ажабмас!..

Хуршида ҲОМИДОВА,
Фарғона вилояти,
Марғилон шаҳридаги
Ҳ. Ниёзий номли 7-
мактабнинг 9-синф
ўқувчиси.

И Ж О Б А Т

уни болалигида Бухорога олиб бориб, Усмонжон Охун деган бир маърифатпарварнинг мактабига топширади. Муҳаммад Али Эшон 20 ёшга тулганда Фарғона вилоятига қайтиб келиб, обруди уламо Султонхон тура хизматига киради. Буюк маърифатпарвар Муҳаммад Али Эшон уз билимларини тинимсиз ошириб, диний, илмий, сиесий воқеаларга доир манбалар-

лакатларни кезиб, уз она диёрига қайтач, рус босқинчилари томонидан зулм исканжасига олинган она халқининг турмуш тарзини кезган юртлари турмуши билан солиштираркан, катта адолатсизликка дуч келгандай булади. Халқ бошидан келчиратган азоб-уқубатлар унинг жаҳонгашта юрагини уртайди. У халқни озодликка чикариш йуларини ахтарайди. Йул

Кичкинтой

БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

Янгибозор қурғонидаги 2-болалар боғчасида булиб утган «Соҳибқирон бобо, сизни соғиндик» деб номланган тадбирнинг ташаббускори Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман булими булди.

Кечада болалар боғчаси мудираси Донам Зиарова Амир Темурнинг ҳаёти, босиб утган жанговар фаолияти ҳақида сузлаб берди.

Шундан сунг Малика Исломова, Раъно Раҳимова, Хилола Обидова, Феруза Холматова, Дилором Бурибосвалар боғча болалари иштирокида Амир Темур ҳаётидан сахна куринишларини намойиш қилишди.

Амир Темурга бағишлаб ташкил этилган кургазма ва суратли альбомлар ҳам кечага узгача файз бағишлади. Қизиқарли ва мароқли утган ушбу кечада боғча болаларининг ота-оналари ҳам қатнашиб, олам-олам таассуротлар билан қайтишди.

Л. МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани,
Кавардон қишлоғи.

Даргоҳингга куйгунча

қадам

Куним ўтган кўча

чангитиб.

Ҳарф ўрганиб, тутдиму

қалам,

Илм олди кўнглим банд

этиб.

Қадрдоним она мактабим,

Дилдан мадҳинг куйлаш—

матлабим.

Парвоз қилган орзу-

тилагим,

Илм нури онгим ёритган.

Сенда илк бор ақлим,

юрагим—

Шеър битишни ихтиёр

этган.

Сен ҳақингда бўлган

ашъорим,

Сенда ўтган умрим

баҳори.

Алифбони ўргатган инсон

Муаллимлар Малиги —

шоҳи.



Эркалайди бизларни мактаб,
Санъатсевар қизларни мактаб...

Бағри кенгу меҳри бир жаҳон,

Бардоши ҳам нақ Тангри тоғи.

Йил ўтмайёқ чиққан саводим,

Ва бошланган онгли ҳаётим.

Бечораҳол бўлсанг ҳам аммо

Сен шоҳона саройдан ортиқ.

Кўп билимдон ёшларки— аъло,

Йилдан йилга меҳрим ортади.

Унутилмас, эй, қутлуғ даргоҳ,

Қалб тўрида ўзингсан ҳар чоқ.

Олтмиш беш ёшга кирибсан,

Навқиронсан наздимда аммо.

Кўҳна тарих алдамас зинҳор,

Одилона беради баҳо: Тобе юртнинг эли хокисор,

Кулдан қачон чиқибди даҳо?!

Хайриятки, улуг боболар Номи ўксик дилни даволар.

Минг шукрим, баримиз энди —

Мустақил юрт фуқаросимиз.

Эрк элимнинг орзуси эди, Озод ватан—кўз қароғимиз.

Ёниб келажакнинг ишқида,

Фидокормиз эл-юрт ишида.

Ёш авлодга этажак насиб Келажакда буюк давлат ҳам.

Шундай бахтга улар муносиб,

Улар хушёр, ҳоли гафлатдан.

Юрт отасин тилаги шудир,

Эл истаги дилдаги шудир.

Давраларда гарчи биз йўқимиз,

Шод руҳимиз иштирок этар,

Насллардан юраги тўқимиз:

Мамнун қалблар бизни ёд

этар.

Заҳматимиз кетмагай зое,

Кечирмадик биринчи дарсни олиб ташлашганим?

умр ҳавойи!

Алёр

ОНА МАКТАБИМ

(Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги Навоий номли мактабнинг 65 ёшини қутлаб)

Элу юртга айладинг тортиқ.

Мактабларнинг асл кўрками,

Зийратга келдик кўргани.

Илм бериб, бериб тарбия Зеҳнимизни чархлаган

устоз,

Тўсиқлардан чекинма дея Далда берган, айлаган эъзоз,

Олам сири сари йўлладинг,

Оқ фотиҳа бердинг— кўлладинг.

Қайда бўлмай, кучоғинг мени—

Оҳанграбо каби тортади.

Ўхшашинг йўқ ҳеч жойда сенинг,

Гарчанд қадди буккик турибсан,

Таърифингга сўз етмас асло.

Омон бўлсин муаллимларинг,

Сусаймасин ҳеч таълимларинг.


Мунтазирдир чексиз коинот,

Кўнлаб чиқар билимдон ёшлар.

Юксакларга суришади от Илм олиб, қалби қуёшлар.

Ким бўлмасин улар ҳамма вақт

Эл-юрт бахтин уйлашар фақат.



—Мактабнингизда кун ёйилгунча ухласин деб биринчи дарсни олиб ташлашганим?

М. УНГАРОВ расми.

Тунлари тушларимга қишлоқ киради. Йул чеккасидаги боботунинг остида уйнаётган бир туп қизалоғу болакайларнинг энтикиб-энтикиб куйлаган самимий содда қушиқларини тинглайман тушларимда. Болаликдай тоза, болаликдай бегубор қушиқлар... Мен уларни жуда кўп қўмсайман. Балки уша гузал сахнамиз бўлган боботунинг остидаги супа ҳам бизни, бизнинг қушиқларни соғинар. Ҳаёдан боботунинг соғинчига қайтаман. Йиллар ғубори остида қолиб кетган дугоналаримни, уртоқларимни чорлайман.

— Гулсара, эсингдами, сен бингдан эшитиб, урганиб келган:

**Бозор боради қизгина,
Хино олади қизгина,
Ҳо ялло, ялло қизгина,
Жамалаги тилло қизгина** —

қушигини шунақа чиройли қилиб айтиб берган эдинг. Сал утмай ҳаммамиз бу қушиқни урганиб олдик. Уғилой, Ҳикоят, Ҳаловатларнинг ҳам уз «репертуари» бор эди. Аммо ҳаммасидан ҳам сенинг овозинг бошқача эди. Мен ҳалигача бир нарсани тушунмайман. Нега биз доим қушиқ хиргойи қилиб тентираб юрадиган Карим девонанинг орқасидан туп-туп бўлиб эргашардик. Унинг йиғлоқи, гамгин овозида бизнинг узига чорлайдиган нимадир бор эди. Баъзан, унга қушилиб йиғлар эдик. Унинг гайри-табiiий кулгусидан қурқиб қочардик.

Бутун қишлоқда Карим девонанинг утмиши ҳақида ваҳимали гаплар юрарди.

Айтишларича, бир вақтлар унинг ширали овозини эшитиш учун бутун Бухородан одамлар келар экан. Бирор туй Карим девонасиз утмас, у қатнашган давралар ниҳоятда файзли булар экан. Бир куни кечаси туйдан қайтаётган Карим ҳофизнинг йулини уч-турт-


та ҳасадгуй одамлар тусиб, миясига темир билан уришади. Уни йулда беҳуш ётган ҳолда қурган одамлар врачга олиб боришади. Карим ҳофиз хушига келгач, Карим девонага айланади. Уша-уша машҳур ҳофиз кучаларда дайдиб, узук-юлук қушиқлар айтиб юрарди. Негадир катта одамлар жирканиб қарайдиган бу девона бизга узининг мунгли хиргойилари билан жуда-жуда ёқарди. У ҳам кадрдон боботунимиз остидаги супада бизнинг уйинларимизни томоша қилишни яхши куради. У бизга лойдан уйинчоқлар ясаб берар, лойли кулларини яяига тираб:

— Манам шурида бир булбул, гулистонидин адашганман, — дея нолали овозда куйларди. Гамдан қорайган юзларини ювиб, битта-битта томаётган куз ёшларига қа-

дан Карим девонанинг хиргойилари эшитилган эмиш...

Билмадим, бу ростми, еки ёлгонми, ушанда барча бу гапга ишонган эди. Бугун эса бу афсонанинг чинлигига мен ҳам ишонаман. Зеро, бу бутун бир қишлоқнинг Карим девона қушиқларига бўлган ихлоси, соғинчи эди. Бешафқат йиллар армонида қолиб кетган бокира саҳарлар соғинчини, ҳанузгача бизни қўмсаб йул пойлайдиган боботунинг энтикишларини яна қайсидир болалик куйлаптимикан...

Рухим бир маъюслик, оғирлик туйган лаҳзалар қушиқ эшитгим келади. Шовқин-сурон, югур-югурларга тула бу кенг шаҳарда қушиқ излайман. Бир қушиқ-ки, қайсида болалигим, хотираларим соғинчи ётсин. Токи мен уша куз-



ган куй ва қушиқлардир...

Дарвоқе, шарқ кишилари улгайганларидан кейин ҳам ёқимли куй ва қушиқ оҳангини тебраниб тинглайдилар. Бу нарсани улар билмасдан, беихтиёр қилишади. Демак, инсон жисми ва руҳияти учун ёқимли куй ва қушиқ улгайгандан кейин ҳам зарур экан.

Шовқиннинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳам олимлар томонидан аниқланганига анча булди. Шовқинда ҳаттоки гуллар ҳам сулади. Инсон ва гул уртасидаги

бермай куйишди. Бу гуруҳ вакиллари бастакор ёки шоирлар билан ишлаш у ёқда турсин, назаримда, уларни тан ҳам олишмас керак. Қизиги шундаки, бу дасталар репертуаридан жой олган қушиқлар (қушиқ дейиш жоиз бўлса) мусиқаси тўлалигича гарб куйларидир. Мазкур мусиқалар ҳамроҳлигида айтилган чет эл қушиқлари ҳам кўпчиликка таниш. Узга халқ куйларига ўзбекча сузлар ёпиштириш урфи қачон сингли бизга? Агар бу нарсани ростдан ҳам урф дейиш мумкин бўлса, бу урфни бидъат ҳам дейиш мумкин. Қизиги шундаки, юқорида келтирилган гуруҳлар моддий жиҳатдан яхши таъминланганлиги сезилиб туради. Биз бу уринда уларнинг пурим кийинишларини эмас, қимматбаҳо электрон мусиқа асбобларини назарда тутмоқдамиз. Уларнинг рекламаси ҳақида-ку гапирришга ҳожат ҳам бўлмас керак. Устига-устак, видеоклип, фонограмма деган нарсалар ҳам ҳазилакам харажат талаб қилмайди чоғи...

Бу шайтоний оҳанглари тарғибчилари кимлар бўлиши мумкин?

«Қовун-қовундан ранг олади», — деган гап бежиз айтилмаган. Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йиллар муқаддам эндигина миллий мусиқа асобобларига электр асобобларининг журлигидан фойдаланиш бошланган кезлар, эътирозларга қарши фикрлар билдирилган эди.

Шундан сунг узга халқ куйлари асосида ўзбекча қушиқлар ҳам пайдо булди. Ҳозир эса угирлик ошқора тус олиб, саҳналарда ҳам намойиш этилмоқда. Чет элларда бундай угирлик учун жуда катта жарима солинади. Бу жарималар халқларни руҳий қатишиш балосидан асраб туради. Бизда мусиқани, ҳойнаҳой, назорат қиладиган ташкилот ёки уюшма ҳам бўлмас керак.

Чолгу асобобларининг тили йўқ. Лекин улар уста машшоқлар қулида бемалол гапирадилар. Электр чолгу асобоблари ўзбек тилида бузлаганини эшитгансиз. Демак, масала уларни гапиртира олишда экан. Гапирганда ҳам соф, назокат билан гапирмоғи лозим. Назокат саслари эса ҳимоя талаб этади. Йўқса бу сасларни евуз руҳлар исенининг суронлари босиб кетади.

Ҳалима АҲМЕДОВА.

1. ҚУШИҚЛАРНИ ҚУЛАДИБ

раб биз ҳайрон қолардик. Унинг овозида кенглик бор эди. Биз ана шу кенгликда яйрар эдик.

Орадан кўп утмай Карим девона қишлоқ уртасидаги ҳовузга чуқиб улди. Биз уни соғинар, девона ҳофизни ютган уша бераҳм ҳовузни ёмон кураар эдик.

Қишлоқ афсоналарни яхши куради. Бир куни қишлоқда яна янги, ваҳимали миш-миш тарқалди: Ярим тунда қишлоқ ҳовузи ичи-

дан олис юракка яқин маъволар завқини туяй...

Қани уша қушиқ. Қани уша мусиқа?!

ЁМОН РУҲЛАР ИСЕНИ

Чет элда ажойиб бир тажриба утказишди. Табиатшунос олимлар гуллар барқ уриб усаётган хонада шовқинли мусиқани куйишади. Эртаси куни барча гуллар қуриб қолганининг гувоҳи булишади. Шундан сунг, алоҳида хонага гуллар утқазиб, уларга инсон руҳига яқин мусиқалар қуйишар экан, куйсевар гулларнинг (эъгибор беринг, дуч келган куйни эмас) янада чиройли бўлиб барқ уришни куришади. Айни кунларда Англия ва Япония гулхоналарида ёқимли мусиқалар овози тинмайди. Мусиқа туфайли гуллардан даромад олаётган гулчилар сони кўпаймоқда.

Гарб олимлари бугун кашф қилишиб, ҳатто фойдалана бошлаган мазкур синоат шарқ олимларига минг йиллар аввал маълум эди. Улуг боболаримиз мусиқа ердамида беморларни ҳам даволай олишганлиги ҳеч кимга сир эмас. Улуг мутафаккир Абу Али ибн Сино ёзишчича: «Гудак танасидаги аъзоларини мустаҳкамлашда фойдали ва зарур нарсалар — уни оҳиста тебратиш ҳамда аллалар айтилади-

ухшашликдан ажабланманг. Ахир, инсон ҳам табиатнинг бир зарраси-ку. Шу боис ҳам руҳият табиийликка мойилдир.

Тараққиёт мусиқа оламини ҳам четлаб утгани йўқ. Электр чолгу асобобларининг мусиқага кириб келганлиги ажабланарли ҳол эмас. Албатта, электр чолгу асобоблари ҳам инсон заковатининг маъсули. Улар ердамида ута мураккаб товушларни ҳам осонгина ифода этиш мумкин. Бирок, бу асобоблар ердамида инсон узининг бетизгин истакларини ифодалайди. Ибтидоий ёввойилик майлларини тасвирлаш мумкин. Бу нарсани ёмон руҳлар исени дейилса нотўғри бўлмас. Зеро, унинг мавжудлигига ҳам шубҳа йўқ-ку.

Ёввойилик майллари шарқ кишилари руҳиятида ёт унсур саналади. Шу боис ҳам шарқ ва гарб куйлари оҳанги билан кескин фарқ қилинади. Бугунги кунда ҳаётимизга зурма-зураки тикиштирилаётган гарб оҳанглари ҳам қандайдир истилочиликка ухшаб кетади. Бу истило катта саҳналаримизгача етди. Шуниси қизиқ-ки, унинг оқловчилари етарли, қарши чиқувчи мардлар эса ҳали дарак беришмади. «Болалар», «Шаҳзод», «Ал-вакил» гуруҳларининг томошаларидан чекланишга имкон

этиш масалалари, муомала психологияси, одоб-ахлоқ қоидалари урин олган. Ҳар ойнинг биринчи куни учрашув эълон қилган руҳшунослик курсида қимматли фойдали маслаҳатлар болаларнинг қизиқишларини аниқлаш машқлари, руҳий зарбалар таъсиридан чиқариш, болаларни мактабга тайерлаш каби машғулотлар урин олган.

«Бизнес олами» ўқув маркази замонавий, моддий-техника базасига, бой кутубхонага эга. Тингловчилар халқаро кутубхонадан фойдаланадилар. Марказ битирувчилари руҳий жиҳатдан мустаҳкам ва олий ўқув юртлари тест тизими кўникмаларига эга буладилар. Уқишни муваффақиятли якунлаган марказ тингловчиларига ишга жойлаштириш ҳуқуқини кафолат-



«БИЗНЕС ОЛАМИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бугунги кунда ислохотлар ҳаётимизнинг барча қирраларини қамраб олмақда. Жамиятимиз ҳар бир аъзосининг иқтисодий тафаккурини шакллантириш утиш даврининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қатор ўқув масканлари иқтисодий таълимнинг турли шакли ва усулларини жорий этмоқдалар. Шулардан бири Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг «Бизнес олами» ўқув маркази бўлиб, у 1995 йил октябрь ойида ташкил этилган.

Марказ ҳужалик ҳисобидаги будинма мақомига эга. Ўқув марказининг мақсади ёшларни

касбга йуналтирган ҳолда уларнинг иқтисод ва бизнес, компьютер саводхонлиги, чет тиллар соҳасидаги билимини кенгайтиришдан иборат.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун марказда бир қатор курслар фаолият курсатмоқда. Шулардан бири «Кичик ва урта бизнес менежери» бўлиб, ўқув дастуридан бозор иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, банк ишлари асослари, маркетинг, менежмент, психология, иш юзасидан мулоқот техникаси, ролии уйинлар, махсус машқлар, тренинглари, қизиқарли учрашувлар урин олган. Бу дастур 160-480 соатга мўлжалланган бў-

либ, унда 1—3 йил ўқитилади. Курсга 9, 10, 11-синфларни тугаллаган ёшлар қабул қилинади. 10 май, 5 июн, 5 июл, 5 август ва 5 сентябр кунлари соат 17.00 да танишув йиғилишлари утказилади.

Иқтисодий булим ўқув дастурида компьютер таълими, замонавий бухгалтерия ҳисоби асослари, солиқ тизими урганилади. Машғулотлар 1,5 ойга мўлжалланган. Ҳар ойнинг бешинчи куни танишув булади.

Сервис хизмати буйича менежер курси ҳам жуда оммалашган. Унинг ўқув дастуридан хизмат курсатини ташкил

Бозорга йўл

ловчи шаҳодатнома берилади. «Бизнес олами» ўқув маркази Тошкент, «Буюк Ипак йули» кўчасидаги 71-уйда (5-қават, 550, 559-хоналар) жойлашган. Телефон рақамлари: 67-94-15.

Унутманг! Таълимга сармоя ишлагани ҳаётининг мазмунли қилади. Уз бизнесининг бизда таълим олишдан бошланг!

Замира ТўЛАГАНОВА.



Кичкина Фозилнинг бир одати бор: бир нарсага ваъда олдимиз, бас, бажармагунингизча куймайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ишдан қайтсам, негадир аразлаб утирибди. Нима булганини суриштирсам, йигламоқдан бериб бўлиб, нега бизни сира кинога олиб тушмайсиз, деб қолса буладими. Уйлаб қарасам, гапида жон бор.

— Бугунги мактабдан таътилга чиқинглар, ҳар куни кинога тушганимиз булсин, — деб ваъда бердим.

Мана, таътил бошланганига ҳам бир неча кун бўлди. Тугриси айтсам, ташвишда қолдим. Ҳамма жойда «бевик»лар, ҳинд фильмлари... Қайси кинотеатрга борсак экан, деб бошим қотди. Илгарилари газеталар қасрда қандай кино, қайси спектакль қуйилаётганини хабар қилиб туришарди. Энди булса, улар урнини ҳар хил «башорат»лар эгаллаган.

«Гунча» кинотеатрига бораётиб, ҳарқалай болаларни ки-ку, байрамга яхшироқ фильмлар топишгандир деган уйда кунглим туқ эди. Лекин бордим-у, таниёлмай қолдим. Болажонларнинг севимли «Гунча»си кинотеатрга эмас, супермаркетга ухшаб қолибди. Ҳамма ёқда тижорат дуконлари. Сотилаётган нарсалар ҳам болаларга мулақоқ мос эмас. Яхшиямки, ташқарида афиша бор экан, булма-са, «Гунча» кучиб кетибди-да деб уйлашимга оз қолди. Ҳатто кираверишдаги автомат-уйинлар урнида ҳам пештахталар, сотувчи қизлар...

Кейин билишимча, «Гунча» кучиб кетмаган, балки ҳиссадорлик жамиятига айланти-

рилган экан. Буни жамият раисининг уринбосари Саъдулла Соатов айтиб берди. Не ҳам дердик, давр талаби шундай.

— Баҳорги таътил кунлари болалар учун қандай фильмлар намойиш этилади? — сурайман Саъдулла акадан.

— Қаранг-а, буни уйлаб курмабмиз. Лекин бизда ҳар куни биринчи сеанс болалар учун бепул.

ҚАЙСИ КИНОТЕАТРГА БОРАМИЗ?

— Умуман, яқин орада болаларга атаб махсус фильм намойиш қилиндими?

— Анча булди, «Ўзбекфильм»да ишланган «Абдуллажон» картинасини куювдик. Бундан ташқари, мультфильмимиз ҳам бор. Сиз айтаетган болалар фильмлари узи йўқ-ку. Борлари — эски, мавзулари бугунга мос эмас.

Дарвоқе, утган йили суратга олинган «Буюк Амир Темури» фильмининг Соҳибқирон бобомиз 660 йиллик юбилейи кунлари Санъат саройида тақдирномаси булган эди. Орадан беш-олти ой утиб бормоқда-ю, тарих, маънавий тарбия борасида беҳад аҳамиятли бу картина экранларга чиқарилгани йўқ.

Мультфильм болажонлар, айниқса, кичкинтойларнинг жонудили. Ҳар кеч ойнаи жаҳонда мультфильм берилишини интиқ кутиб туришадди. Хуш, кейинги йилларда янги мультфильмлар суратга олинаётими? Шу савол билан «Ўзбекфильм» киностудияси мультпликация бирлашмасининг бадий раҳбари Мавзур Маҳмудовга мурожаат қилдим.

— Мультпликация ижодкор-

лари кейинги йилларда жиддий синовлардан утишди. Иқтисодий қийинчиликлар туғдиришига қарамай, бир неча картиналарни суратга олишга улгурдик. «Шайтон ва угри», «Олтин кетмон», «Қора қалъа» каби асарларни назарда тутаялман. Лекин негадир ёзувчилар, драматурглар, бастакорлар, рассомлар ҳануз бизга ердан қулини чузишмаётир. Гап шундаки, биз-

Айни кунда «Шошқалоқ қуенча» фильми устида иш олиб бораётимиз. Давримизнинг энг долзарб мавзуларини, мустақиллик йилларида республикамизда эришилган ютуқларни мультфильмларда акс эттириш ниятидамиз. Бу борада, яна айтаманки, таниқли адиб ва рассомларимиз бефарқ қараб туришмайди, деган умиддамиз.

Чиндан ҳам Мавзур аканинг



ни миллий маънавият, мустақиллик гоёлари билан сугорилган бадий юксак сценарийлар камлиги қийнамоқда.

Ваҳоланки, мультфильм кучли тарбия воситаси. Санъат кумагида жонланган тарихий воқеалар, қадимий эртақлар, афсона ва нақллар бола тафаккурининг чинакам парвози учун сув ва ҳаводек зарур. Бинобарин, ҳар бир фильмни идрок этиш болаликнинг энг кучли таассуроти бўлиб, узоқ йиллар мобайнида хотирада сақланиб қолади. Шу боис мультпликация усталари кичкинтойлар оламига ҳеч қачон «кичик мавзу» деб қарашмаган.

Яқинда Алишер Навоийнинг «Сабъайи сайёр» дostonи асосида «Баҳром ва Дилором қиссаси» асарининг иккинчи қисми съемкалари ниҳоясига етди.

кунюнганича бор. Болажонларимиз мультфильмларга чанқоқ булганлари ҳолда, биз экранларда ҳам, ойнаи жаҳонда ҳам уч-туртта эски асарни ҳадеб такрорлайверсак, ярашиқли иш булмайди, албатта.

«Ўзбекфильм» киностудияси директори Манноп Кучқоров билан ҳам болалар фильмлари мавзусида суҳбатлашдик. Унинг айтишича, ҳозирги кунда «Ўзбекфильм» киностудияси бир бажарувчи корхона бўлиб, фақат давлат буюртмаси асосидагина фильмлар суратга олинаши мумкин. Буюртмалар орасида болалар учун махсус фильмлар йўқ. Лекин ҳар йили «Зумраша» киножурналининг туртта сони уз вақтида тайёрлаб берилаётир.

— Аввало айтиш керакки, кино, жумладан мультпликация санъати ҳам эндиликда иқтисодий қийинчилик — маблағ етишмаслигидан бир мунча халос булай деб қолди. Гап шундаки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 29 апрелида қабул қилинган «Ўзбеккино» Давлат ҳиссадорлик компаниясини ташкил этиш тугрисида»ги қарори ишимизда бурилиш яса-

Писанда

ди, — дейди компания раисининг уринбосари, таниқли кинорежиссёр Исамат Эргашев. — Кейинги уч-турт йил ичида, тугриси айтиш керак, республикамизда болаларга атаб айтарли фильм суратга олингани йўқ. Айни кунда эса «Ўзбеккино» режаси буйича йилига 6 та фильм ишлаш кузда тутилган булса, шулардан икkitаси албатта болалар фильми булиши керак. Бу йулда дастлабки одимлар ташланиб, маълум натижаларга ҳам эришилди. Яқинда режиссёр Ҳабибулла Файзиев Д. Булгаков сценарийси асосида «Маргиана» деб номланган фильмни суратга олди. Фильмда воқеалар силсиласи Шарқ эртақлари асосида қурилган. Шунингдек, «Кичкина табиб» номли фильмнинг ҳам сценарийси тайёр булди. Яқинда муҳокама қилинади. Яна айтиб утмоқчи-манки, ҳозир компаниямиз хорижий давлатлардан 20 та бадий фильм сотиб олиш учун маблағ ажратди. Булар орасида ҳам албатта болалар ҳаётидан ҳикоя қилувчи картиналар булади.

Қандай яхши режалар. Тугри-ми? Энди уларни амалга ошириш қолди. Ушанда биз ҳам болаларни бошлаб қайси кинотеатрга борсак экан, деб бош қотирмайдиган буламиз. Ҳозирча эса сабр қилган, кутган маъқул. Кичкина Фозил ҳам ҳадеб даласини қистайвермай, баҳорги таътилни Самарқандда, бувисиникида утказиш учун кетди.

Абдужалил ХҲЖАМОВ.

БАҲОИНГИЗ — «5» ЭМАС, «10»!

Бугун ҳар турт уквучидан бири хориж тилини қизиқиб урганмоқда эки урганишни орзу қилади. Афсонавий, муъжизавий киною мусиқа юрти олис Ҳиндистонга бормоқ учун ҳинд тилини урганиш кераклигини бугун ҳар бир уквучи яхши тушунади. Сехрли диёр Америкага бориш учун инглизчани урганиш шарт. Яқинда бизни шундай тил байрамларидан бирига Тошкентдаги САЪДИ СИРОЖИДИНОВ НОМЛИ МАХСУС ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТда бўлиб утган ТИЛЛАР БАЙРАМИга таклиф қилишди.

Мактабга кираверишданок, кайфиятимиз кутарилиб кетди. Ишонмайсизми? Шу куни буйимиз бир қарич усди-ёв, кунглини-ку айтманг. Нақд томошанинг устидан чикдик. Бир пайт кузимизга ишонмай қолдик: мактабга хорижлик болаларни ҳам таклиф қилишди, шекилли. Вой, анави яман боласининг узи-ку! Мана буниси узоқ Африка-

дан, еш занжи дустимиз шекилли? Шу вақт шух мусиқа янграб, чиройли араб бола шунақа уйнай бошладики, беихтиёр баъзи томошабинлар ҳам бир-икки қилтанглаб куйишди. Даврани бошқараётган йигит инглиз экан шекилли, инглиз тилида равон ва жарангдор гапирарди. Таржимон қиз унинг нималар деяётганини бизга сузма-суз етказиб турди. Қизча ҳам инглизчага шунақа бийрон эканки, биз уни Англияда тугилган, деб уйладик. Бир пайт ҳамма уз-узидан хурсанд бўлиб кетди. Ҳиндча мусиқа бирпасда ҳаммани уз сехрли огушига олди. Купчилик узини уйиндан тийиб туролмади. Бир пайт даврага чиқиб келган қийгир кузли болани куриб ажойиб шонримиз Анвар Обиджоннинг

Бир қийгиркүз танга йиғар,
сабзини туглаб,
Ҳолаачи кетганини сўкур,
келганини сизлаб,
байти эсимизга тушиб кетди.
Биз энди гарчанд турли қие-

фадаги болалар узбек болалар эканлигига кузимиз етиб қолган булса-да, бироз ҳаяжонландик. Негаки, болаларнинг узи ҳам, сузи ҳам «ҳақиқий хорижий» эди. Бу томошаларни ташкил қилиб, бир чеккада кулиб турган жонкуяр уквучи Ерқиной Муминова эса уз меҳнатининг энди ҳосилга кириб ҳил-ҳил пишишига чоғланаётганидан мамнун, қиефада эди. Байрамни томоша қилаётган ҳакамлар ҳайъатию, мактаб директори Қосим Абдуллаев эса ростдан ҳам шу инглиз, корейс, ҳинду, шотланд, араб болалари бизнинг лицей уквучиларими? — деб сураб, ора-чира. «Баҳоингиз— «5» эмас, «10» деб қайта-қайта такрорлар эдилар. Залда кичик синф болаларининг шодон қийқириқлари, «Ура», бизнинг мактабга чет эллик болалар келишди», — деган қичқириқлари қулоқни қоматга келтирар эди. Хуллас, жуда ажойиб томоша бўлиб утди-да.

Мактабдан қайтар эканмиз, мактаб гирдини қуршаган дарахтлардан бир туп қушлар «дув» этиб учишди-да, олис-олисларга парвоз қилишди. Биз биламиз ва ишонамизки, ҳадемай хорижий



Баланд учган варрақлар,
Гул баҳорни дарақлар

Тил билган олам кезар

тилларни урганаётган болаларимиз ҳам олис-олисаларга урганган тиллари ердамида парвоз қилишадди.

Тухфанисо ОРТИҚОВА.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Бош

муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Тахрир ҳайъати:

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙҮЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма тибок
Буюртма — Г-0155.
11960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Руйхатдан ўттиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25